



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

№ 1090

2021 йил «29» июль

### Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ваколатли вакилини рўйхатга олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14, 16 ва 34-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларида, ҳужжатларни топширишда, имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширишда иштирок этиш учун ваколатли вакилни рўйхатга олиш тўғрисидаги муружаати қаноатлантирилсин.

2. Вафаев Улугбек Назарович – Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ваколатли вакили этиб рўйхатга олинсин.

3. Вафаев Улугбек Назаровичга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 11 сентябрдаги 935-сон қарори билан тасдиқланган Сиёсий партиянинг ваколатли вакили тўғрисидаги низомга мувофиқ белгиланган намунадаги мандат топширилсин.

4. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Б. Кучкаров зиммасига юклансин.

**Раис**

**З. Низамходжаев**